

1. Maktabda to'qqizinchi sinf o'quvchisida o'zgarishlar kuzatilmoqda. Avval yaxshi o'qigan, lekin o'qishi shu kunlarda orqaga chekinmoqda. Bundan tashvishlangan ustozlar maktab psixologini ish olib borishini tavsiya qilishdi. Lekin Bu o'quvchi bundan bosh tortdi. Ushbu vaziyatda psixolog bolaning holatini aniqlash uchun qanday metoddan foydalanishi mumkin?

A)pedagogic kuzatish

B)suhbat

*C)anketa

D)tajriba

2.....Pedagogik hodisa va dalillarni

tekshirish maqsadida ta'lim muassasalari faoliyati mazmunini yorituvchi ma'

lumotlarni tekshirish maqsadga muvofiqdir

*A)Ta'lim muassasalarini hujjatlarini tahlil qilish metodi

B)Intervyu metodi

C)Suhbat metodi

D)Anketa metodi

3.O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni hamda «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarining ta'lim muassasalari amaliyotidagi bajarilish holatini

o'rganish, bu boradagi faollik darajasi, erishilgan yutuq hamda yo'l qo'yilgan kamchiliklarni aniqlash, ilg'or tajribalarni ommalashtirish va ta'lim muassasasi

pedagogik tajribasini oshirish maqsadida qo'llaniladigan metod?

*A)Ta'lim muassasalarini hujjatlarini tahlil qilish metodi

B)Intervyu metodi

C)Suhbat metodi

D)Anketa metodi

4.Maktablarda kitobdagi bir bo'lim tugaganidan so'ng o'quvchilar bilim va amaliy ko'nikmalarini va o'rgangan malakalarini tekshirish uchun qanday metoddan foydalaniladi?

A)Ta'lim muassasalarini hujjatlarini tahlil qilish metodi

*B)Test metodi

C)Suhbat metodi

D)Anketa metodi

5. Bolalar ijodini o'rganishning qanday turlari mavjud? 1) bilimlar bellashuvi;
- 2) fan olimpiadalari;
- 3) turli mavzulardagi tanlovlar;
- 4) maktab ko'rgazmalari;
- 5) festivallar;
- 6) musobaqalar

*barchasi

Anketa metodi (fransuzcha - tekshirish). Ushbu metod yordamida pedagogik kuzatish va suhbat jarayonida to'plangan dalillar boyitiladi. Anketa metodi ham tizimlangan savollar asosida respondentlar bilan muloqotni tashkil etishga asoslanadi. Anketa savollariga javoblar, ko'p hollarda, yozma ravishda olinadi. O'rganilayotgan jarayon mohiyatidan kelib chiqqan holda anketa savollari quyidagicha bo'ladi:

34

1) ochiq turdagi savollar (respondentlarning erkin, batafsil javob berishlari uchun imkon beruvchi savollar);

2) yopiq turdagi savollar (respondentlar «ha», «yo'q», «qisman» yoki «ijobiy», «qoniqarli», «salbiy» va hokazo tarzdagi javob variantlarini tanlash orqali savollarga javob beradilar).

Anketa metodini qo'llashda ham bir qator shartlarga amal qilish zarur. Ular quyidagilardir:

1) anketa savollari tadqiq etilayotgan muammoning mohiyatini yoritishga xizmat qilishi lozim;

2) anketa savollari yirik hajmli va noaniq bo'lmazligi kerak;

3) anketa savollari o'quvchilarning dunyoqarashi, yosh va psixologik xususiyatlarini inobatga olish asosida tuzilishi zarur;

4) anketa savollari respondentlar tomonidan to'la javoblar berilishini ta'minlovchi vaqtni kafolatlay olishi zarur;

5) anketa o'quvchilarning pedagogik va psixologik tavsifnomalarini tuzish manbaiga aylantirib yuborilmasligi zarur;

6) anketa javoblari muayyan mezonlar asosida puxta tahlil etilishi shart.

Intervyu metodi respondent tomonidan tadqiq etilayotgan muammoning u yoki bu jihatini yorituvchi hodiaga nisbatan munosabat bildirilishini ta'minlaydi. Intervyu

6. Moslashtiring. 1. Hikoya metodi 2. Maktab ma'ruzası 3. Suhbat metodi A) бир соатлик машғулот давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериш,

унда илгари сурилган ғоялар асосида илмий хулосалар чиқариш, уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчилликда баён этиш шакли В)бу ўқитишнинг диалогик, савол-жавобга асосланган усули бўлиб, у ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштира

олганликлари, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланганлиги суҳбат асосида аниқланади С)ўқитувчи томонидан янги ўтилатган мавзуга оид далил,

ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа, изчил баён қилишдир

A)1a,2b,3c *B)1c,2a,3b C)1b,2a,3c D)1a,2c,3b

asosiy tushunchalarga alohida urg'u berishga e'tiborni qaratadi.

Suhbat - savol va javob shaklidagi dialogik ta'lim metodi bo'lib, u fanga qadimdan ma'lum, xatto undan o'z faoliyatida Suqrot ham mohirona foydalangan. Suhbat ta'lim jarayonida ko'p funktsiyalar (aqliy fikrlash, hozirjavoblik, muloqot madaniyati va boshqa sifatlarni shakllantiradi) bajaradi, ammo asosiysi o'quvchida faollikni yuzaga keltiradi. Suhbat o'qituvchi fikriga mos harakat qilish, natijada yangi bilimlarni bosqichma-bosqich egallashga imkon beradi.

Interiual metodlar va grafik organayzerlar

Ta'lim metodlarining mohiyati. Hikoya - o'qituvchi tomonidan mavzuga oid dalil, hodisa va voqealarning yaxlit yoki qismlarga bo'lib, tasviriy vositalar yordamida obrazli tasvirlash yo'li bilan ixcham, qisqa va izchil bayon qilinishi. Metodning samarasi ko'p jihatdan o'qituvchining nuqt mahorati, so'zlarni o'z o'rnida, ifodali bayon qilishi, shuningdek, o'quvchilarning yoshi, rivojlanish darajasini inobatga olgan holda yondashuviga bog'liq. Shu bois hikoya mazmuni o'quvchilarning mavjud bilimlariga tayanishi, ularni kengaytirishga xizmat qilishi zarur. Hikoyaning axborotlar bilan boyitilishi maqsadga muvofiqdir.

Tushuntirish o'quv materiali mazmunini isbot, tahlil, umumlashma, taqqoslash asosida bayon qilishdir. Bu metod hikoyaga nisbatan birmuncha keng qo'llaniladi. Undan odatda, nazariy materiallar hamda murakkab masalalarni o'rganishda foydalaniladi. Tushuntirish jarayonida o'quv materialining bir qadar qiyin unsurlari ko'zga tashlanadi va shu asosda materialning mohiyati ochib beriladi. Tushuntirish samarasi ko'p hollarda o'qituvchining ko'rgazmali vositalardan oqilona foydalanishiga bog'liq bo'ladi.

Ma'ruza - yirik hajmdagi o'quv materialini og'zaki bayon qilish metodi sanalib, uning o'ziga xos xususiyatlari quyidagilardan iborat: qat'iy mantiqiy ketma-ketlik, uzatilayotgan axborotlarning ko'pligi, bilimlar bayonining tizimliliigi. Maktab ma'ruzasi mazmunini murakab tizimlar, hodisalar, obyektlar, jarayonlar, ularning sababli-oqibatli bog'lanishlari, qonun va qoidalar tashkil etadi. Shu bois ma'ruza maktab sharoitida yuqori sinflardagina qo'llaniladi. Chunki u butun dars jarayonini qamrab olishi mumkin. Ma'ruza metodi tushuntirish va suhbatning asta-sekin kengayib borishidan vujudga keladi va bir vaqida o'quvchilarni qisqacha yozib olish (konspektlash)ga o'rgata boradi.

87

Tasvir (illyustratsiya) metodi namoyish metodiga chambarchas bog'liq bo'lsada, didaktikada alohida o'rganiladi. Ilyustratsiya narsa, hodisalar va jarayonlarni ularning ramziy ko'rinishlari - chizma, port, rasm, fotosurat, yassi modellar va boshqalar yordamida ko'rsatishni taqozo etadi.

Namoyish (demonstratsiya) metodi o'rganilayotgan obyekt harakat dinamikasini ochib berishda qo'l keladi va ayni chog'da predmetning tashqi ko'rinishi va ichki tuzilishi haqida to'laqonli ma'lumot berishda keng qo'llaniladi. Tabiiy obyektlarni namoyish qilishda odatda uning tashqi ko'rinishi (shakli, hajmi, miqdori, rangi, qismlari, ularning o'zaro munosabatlari)ga e'tibor qaratiladi, so'ngra ichki tuzilishi yoki alohida xususiyatlarini o'rganishga o'tiladi. Ko'rsatish ko'p holatlarda o'rganilayotgan obyektlarning subyekti yoki chizmasi yordamida kuzatiladi.

7. Moslashtiring. 1.o'qituvchining o'quv-tarbiyaviy faoliyatini puxta rejalashtirishi asosida yuzaga keladigan kasbiy pedagogik vaziyat bosqichlarini oldindan ko'ra olishi
2.o'qituvchining o'z fani va boshqa fanlarni chuqur bilishida, o'zlashtirishi va amaliyotda namoyon etishi a)Anglash qobiliyati b)Bilish qobiliyati c)Konstruktiv qobiliyati
*A)1c2b B)1a2b C)1b2a D)1a2c

8. Maktabda ona tili va adabiyot o'qituvchisi yosh bo'lishiga qaramay maktabda kashkil etiladigan turli tanlov, musobaqa, badiiy kechalarni tashkil qilishda vaqt reglamentiga, tadbir boshlanish, kulminatsion nuqta va natijaviy yakunga alohida e'tibor qaratadi. Bu ishidan

doimo ushbu o'qituvchidan tashkiliy masalalarda boshqalar yordam so'rashadi. Ushbu vaziyatda o'qituvchining qanday qobiliyati namoyon bo'lmoqda?

A) didaktik qobiliyat

B) anglash qobiliyati

C) bilish qobiliyati

*D) konstruktiv qobiliyat

Kommunikativ qobiliyat: o'qituvchining pedagogik jamoa va ot-onalar, mahalla ahli bilan bo'ladigan o'zaro muloqotida, ularning ruhiy holatlarini tushurish va ularga hamdard bo'lish, muloqotga kirishishida pok ko'ngillilik. O'qituvchi bunda psixologik bilimlarga ega bo'lishi, muomala madaniyatini muntazam o'zida shakllantirib borishi lozim.

Perseptiv qobiliyat: tashqi olamni va muhitni sezish, idrok etish, ya'ni kuzatuvchanlik muhim rol o'ynaydi. O'qituvchining shijoati natijasida rivojlanadi, takomillashadi. O'qituvchi o'quvchining psixologiyasini, psixik holatini o'ziga singdirib idrok etadi, sinf jamoasining holatiga pedagogik vaziyatiga odilona baho beradi.

Empatik qobiliyat: bolalarga bo'lgan muhabbatdan kelib chiqadigan o'quvchilarning his-tuyg'usini, psixologik holatlarini qalbdan his etish, tushunish, idrok etish, ularga achinish xususiyatlaridir.

Ta'lim jarayonini muqobillashtirish qobiliyati: o'qituvchi o'z bilimini o'quvchi ongi va tafakkuriga kam kuch sarflash evaziga yetkaza olishi, ta'lim va tarbiyada belgilangan muddatda maqsadga erishish qobiliyatidir.

Didaktik qobiliyat: o'quvchilar bilan muloqot qilishda, pedagogikaning ta'lim va tarbiyaviy qonuniyatlarini hamda metodlarini chuqur o'zlashtirgan holda samarali dars berish qobiliyatidir. Shuningdek, dars pedagogik texnologiyalar asosida jahon andozalariga, hozirgi zamon talablariga javob berishi kerak.

Tashkilotchilik qobiliyati: pedagogik qobiliyatning tarkibiy qismidir. U sinf o'quvchilarining o'qituvchi tomonidan turli jamoat ishlariga, to'garaklarga jalb qila olishida, sinf jamoasining har bir o'quvchiga faol vaziyatni ta'minlab berishida namoyon bo'ladi.

Konstruktiv qobiliyat: o'qituvchining o'quv-tarbiyaviy faoliyatni puxta rejalashtirishi asosida yuzaga keladigan kasbiy pedagogik vaziyat bosqichlarini oldindan ko'ra olishi.

Bilish qobiliyati: o'qituvchining o'z fanini va boshqa fanlarni chuqur bilishida, o'zlashtirishi va amaliyotda namoyon etishi.

Anglash (tushunish) qobiliyati: o'qituvchining ziyrakligi va uddaburonligi, voqea va hodisalarni chuqur idrok etib, ularga adolatli munosabatda bo'lishi.

Ўқитувчига хос қобилиятлар орасида конструктив қобилиятининг ҳам ўз ўрни мавжуд.

Конструктив қобилият – мутахассис сифатида ўқитувчиларда намоён бўлиб, ўқув машғулотлари ёки тарбиявий тадбирларни методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштириш, якуний натижаларни қўлга киритишга имкон берувчи самарали йўл ва воситаларни топишга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Бу каби қобилиятга эгаллиги ўқитувчи томонидан педагогик жараёни ташкил этишда муҳим хусусиятга эга бўлиб, унинг негизида қуйидагилар намоён бўлади:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материални турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оригинал ўқув материални тайёрлаш;
- мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулотлари ва тарбия тадбир учун кўрсатмали куроллар тўпламини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ўқув материалнинг тақдимот вариантини тайёрлаш;
- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун ўқувчиларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндошиш

9. Pedagogik bilimdonlik—pedagogning kasbiy faoliyatini mavjud ijtimoiy talab, huquqiy meyor va standartlarga muvofiq tashkil etishga bo'lgan qobilligi, kasbiy tayyorgarlik darajasi. Bilimdon pedagogga xos sifatlarni sanang. 1.ijtimoiy subyektlar bilan o'zaro aloqa, madaniy muloqotda bo'lish 2.mutaxassislik yo'nalishi bo'yicha axborotlarni izlash, topish, ularni ta'lim mazmuniga tayangan holda qayta ishlash va kasbiy faoliyat jarayonida ulardan samarali foydalana bilish 3.o'quv axborotlarini talabalar o'zlari topishiga o'rgatish

*A)1,2 B)1,3 C)2,3 D)1,2,3

Педагогик маҳоратнинг асосини педагогик билимдонлик ташкил этади.

Педагогик билимдонлик – педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

Билимдон педагог мутахассис сифатида педагогик жараён ва муносабатларни мақсадга мувофиқ самарали шакл, усул ҳамда воситаларини етарли даражада ўзлаштира олган бўлиши зарур. Қуйидаги сифатлар билимдон педагогга хос саналади:

Билимдон педагогга хос сифатлар:

- ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулоқотда бўлиш;
- мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни таълим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараёнида
- улардан самарали фойдалана билиш;
- ўқув ахборотларини талабаларга етказиб бера олиш

10. 1.hayrihohlik 2.xushmuomilalik 3.baxllik 4.shaxsni muloqotdan qochishi 5.gina qudrat 6.ko'mak berish Sanalganlar orasidan simpatiyaga xos belgilarni sanang

*A)1,2,6 B)3,4,5 C)1,3,4 D)2,5,6

Педагогик фаолиятни ташкил этишда ўқитувчи педагогик тактикани ишлаб чиқар экан, унда таълим жараёни иштирокчиларига муносабати (ёқтириш ёки ёқтирмаслик) мазмунини кўриб чиқади.

Ёқтириш (симпатия; юнон. “sympatheia” – майл, ҳавас, ички кизиқиш) – бир шахснинг иккинчи шахсга, муайян субъектлар гуруҳига ёки қандайдир ижтимоий ҳодисага нисбатан ижобий хиссий муносабати.

Ёқтирмаслик (антипатия; юнон. “antipatheia” – ёқтирмаслик, ҳуш кўрмаслик) – бир шахснинг иккинчи шахсга, муайян субъектлар гуруҳига ёки қандайдир ижтимоий ҳодисага нисбатан салбий хиссий муносабати

Ёқтириш ҳамيشа хайрихоҳлик, ҳушмуомалалилик, завқланишни ифодалайди, шахсни мулоқотга, эътибор кўрсатишга ва кўмак беришга ундайди. Ёқтирмаслик эса гина-кудуратни, кек-адоватни, ичиқораликни, бахилликни, нафратни ифодалайди, шахсни мулоқотдан қочишга, атрофдагиларга нисбатан ёмонлик қилишга, ҳеч бўлмаганда уларнинг кўнглини оғритишга ундайди

Мутахассис сифатида ўқитувчи ўз фаолиятида таълим жараёнининг иштирокчиларига ёқтирмаслик позициясида туриб, муносабатда бўлишга ҳақли эмас. Унинг учун таълим жараёнининг иштирокчилари “севимлилар” ва “севимсизлар” каби икки гуруҳга ажратилмаслиги зарур.

Ўқитувчининг фаолиятида, аксинча, унинг ҳамдардлик (педагогик ҳамдардлик) туйғусига эга бўлиши мақсадга мувофиқ саналади.

Ҳамдардлик (эмпатия; юнон. “empathia” – ҳамдардлик, қайғу-дош бўлиш) – бир шахснинг у томонидан иккинчи шахснинг фикрлари, хоҳиш-истаклари, кизиқишлари, интилишларининг ҳис этилиши, тушунилиши, қабул қилинишини ифодаловчи муносабати

Ўз моҳиятига кўра ҳамдардлик ҳам туйғулари қабул қилинаётган шахсга ёрдам кўрсатишга интилишни ифодалайди, шахсларни бир-бирига яқинлаштиради, улар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва бирликни қарор топтиради.

Педагогик ҳамдардлик – педагогик жараёнда ўқитувчининг у томонидан таълим жараёни иштирокчилари (талаба, ота-оналар, ҳамкасблар, раҳбарлар ва б.)нинг фикрлари, хоҳиш-истаклари, кизиқишлари, интилишларининг ҳис этилиши, тушунилиши, қабул қилинишини ифодаловчи муносабати

Ўқитувчининг педагогик ҳамдардлик (педагогик эмпатия)га эғалиги қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

11. Bilimdon o'qituvchiga xos sifatlarni sanang. 1. ijtimoiy subyektlar bilan o'zaro aloqa, madaniy muloqotda bo'lish 2. mutaxassislik yo'nalishi bo'yicha axborotlarni izlash, topish, ularni ta'lim mazmuniga tayangan holda qayta ishlash va kasbiy faoliyat jarayonida ulardan samarali foydalana bilish 3. bilimlarni uzatishga bo'lgan ehtiyoj (pedagog sifatida o'zidagi mavjud bilimlarni talabalarga berishga intilish) 4. o'quv axborotini talabalarga yetkazib bera olish

A) 1,2,3 B) 1,3,4 C) 1,2,3,4 D) 2,3,4

Педагогик bilimdonlik – педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

Билимдон педагог мутахассис сифатида педагогик жараён ва муносабатларни мақсадга мувофиқ самарали шакл, усул ҳамда воситаларини етарли даражада ўзлаштири олган бўлиши зарур. Қуйидаги сифатлар bilimdon педагогга хос саналади:

Билимдон педагогга хос сифатлар:

- ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқада, маданий мулоқотда бўлиш;
- мутахассислик йўналиши бўйича ахборотларни излаш, топиш, уларни та'лим мазмунига таянган ҳолда қайта ишлаш ва касбий фаолият жараёнида
- улардан самарали фойдалана билиш;
- ўқув ахборотларини талабаларга етказиб бера олиш

12. Moslikni toping. 1. Metodologik tahlil 2. Psixologik tahlil A) O'quvchilarning kayfiyati, xushyorligi, ularning salomatligi, jamoadagi sog'lom muhit, fanga bo'lgan qiziqishlari, dars berayotgan o'qituvchisiga munosabati kuzatiladi B) Ta'lim yo'nalishidagi hukumat qarorlari, talabalar, davlat tili, madaniyatning go'zal durdonalari, shu soha bo'yicha buyuk alloma va olimlarning qilgan ishlari, respublikadagi oxirgi o'zgarishlar to'g'risidagi ma'lumotlardan mashg'ulot davomida foydalanishlari kuzatiladi C) O'qituvchining tashqi qiyofasi, o'quvchilar bilan til topa olish mahorati, madaniyati, odobi bilan birgalikda dars jarayonida umuminsoniy tarbiyaning tarkibiy qismlarini o'quvchilarga bera olishi va uning nutq madaniyati kuzatiladi

A) 1a2b *B) 1b2a C) 1a2c D) 1c2a

1 Didaktik (Yoki ta'limiy) tahlil.

Tahlilning bu turida mavzuning ilmiyligi va izchilligi, oddiydan murakkabga tomon yo'nalishi, ko'rgazmaliligi va berilayotgan bilim, yangi axborotlarning hayotiyliigi, ularning jonli va ravon tilda ochib berilishi nazarda tutiladi

2 Uslubiy tahlil

Bunda o'qituvchi faoliyatining ikki tomoni: birinchidan, o'rganilayotgan mavzuga dasturda mo'ljallangan soatda, uni qanday usullar e'rdamida, talabalarning yoshi va shaxsiy-psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda yetkazib bera olishi, talabalarni o'ylashga, izlanishga majbur etishiva unga sharoit yaratishi;

- ikkinchidan, o'qituvchi sifatidagi tajribalari qaysi darajada ekanligini namoyish eta olishi nazarda tutiladi. O'qituvchining ikkinchi tomoni tahlil etilayotganda, uning ijodkorligi, uslubiy mahorati ko'zga tashlanishi

lozim. O'qituvchining ilg'or pedagogik va novatorlik tajribalari mana shu yerdan boshlanadi

3 Metodologik tahlil

Ushbu tahlil mobaynida ta'lim yo'nalishidagi xukumat qarorlari, talablar, davlat tili, milliy ruh, madaniyatning go'zal durdonalari, shu soha bo'yicha buyuk alloma va olimlarning qilgan ishlari, fikrlari, respublikadagi oxirgi o'zgarishlarning mashg'ulot davomida foydalanilishi asos qilib olinishi mumkin

4 Psixologik tahlil

Bu tahlilda, avvalo, talabalarning kayfiyati, ularning sog'ligi, jamoadagi sog'lom muhit, talabalarning xushyorligi fanga bo'lgan qiziqishlari, dars bera'etgan o'qituvchisiga munosabati, Talabalarning hozirjavobligi, sezgir va topqirligi, haroki, yangi va avvalgi materiallarni esda saqlashlari, obrazli va mantiqiy tafakkuri, talabalar fantaziyasi, oldida turgan mas'uliyatlariga talabalarning irodali yoki irodasizligi, ulardagi bilim, ko'nikma va malakalar

ko'lami kabi tomonlar kiradi. O'qituvchining favqulodda vujudga kelgan vaziyatdan o'z obro'sini saqlagan holda chiqa

olishi, o'zini boshqara olishi ham inobatga olinadi

5 Pedagogik tahlil

Tahlilning bu turi ancha murakkab va mas'uliyatli bo'lib, o'qituvchining tashqi qiyofasi, talabalar bilan til topa olish mahorati, madaniyati, odobi bilan birgalikda dars jara'enida umuminsoniy tarbiyaning tarkibiy qismlarini talabalarga

bera olishi va uning nutq madaniyati ham nazarda tutiladi

13. Direktor o'rinbosari yosh mutaxassisning darslarini nazorat qildi. Dars jarayonida yosh mutaxassis o'quvchilar bilimni nazorat qilib, yangi mavzuni tushuntirdi. Yangi mavzuni mustahkamlashga alohida e'tibor qaratdi. Bunda u o'quvchilarning qabul qilish darajasi turli ekanligini hisobga olib, har bir o'quvchiga mos ravishda vazifalarni taqsimlab berdi. Dras so'nggida yangi mavzu barcha o'quvchi uchun birdek tushunarli ekanligi ma'lum bo'ldi. Shunda o'qituvchi ta'lim samaradorligini ta'minlash uchun kerakli bo'lgan qanday ko'nikmalarni namoyon etadi?

*A)Mazmunli ta'lim muhitini tashkil qilish va o'zgartirish

B)Turli xil muhitda har xil emotsional holatlardagi odamlar bilan aloqa qila bilish

C)O'zining ta'lim faoliyatini tahlil qilish va baholash, modifikatsiya talab qiladigan yo'nalishlarni aniqlash

D)Dars vaqtini oqilona boshqarish shuningdek ma'suliyatli va ongli ravishda o'quvchilar ishini tashkil etish

14. Yig'ilishda bir o'qituvchi pedagogik mahorati yuqori ekanligi haqida gapirdi. Yosh mutaxassis esa o'z fanini chuqur bilishi, ammo pedagogik mahorati yrtishmasligini aytib, u nimalardan iborat bo'lishini so'radi. quyida "Pedagogik mahorat" tushunchasi ta'rifini qamrab olgan javoblarni belgilang. 1.Madaniyatning yuqori darsjasi, bilimdonlik va aql-zakovatning yuksak ko'rsatkichi 2.O'z faniga doir bilimlarning mukammal sohibi 3.Pedagogika va psixologiya kabi fanlar sohasidagi bilimlarni puxta egallaganligi, ulardan kasbiy faoliyatida foydalana olishi 4.O'quv tarbiyaviy ishlar metodikasini bilishi

A)1,2,3 B)1,3,4 C)1,2,3,4 D)1,2,4

xassis". Ushbu ta'rifning mohiyatidan kelib chiqib o'qituvchining **pedagogik mahorati** tushunchasi mazmunini shunday izohlash mumkin:

1. Madaniyatning yuqori darajasi, bilimdonlik va aql-zakovatning yuksak ko'rsatkichi.

2. O'z faniga doir bilimlarning mukammal sohibi.

3. Pedagogika va psixologiya kabi fanlar sohasidagi bilimlarni puxta egallaganligi, ulardan kasbiy faoliyatida foydalana olishi.

4. O'quv – tarbiyaviy ishlar metodikasini mukammal bilishi.

4. O'quv – tarbiyaviy ishlar metodikasini mukammal bilishi.

Pedagogik mahorat tizimi quyidagi o'zaro bir-biri bilan bog'liq bo'lgan asosiy komponentlardan iborat:

1. Pedagogik insonparvarlik talablariga bo'ysunishi.

2. Kasbga oid bilimlarni boshqa fanlar bilan aloqadorlikda mukammal bilish.

3. Pedagogik qobiliyatga ega bo'lish.

4. Pedagogik texnika sirlarini puxta egallash.

15. O'qituvchi dars davomida suv bug'ga aylanib havoga ko'tariladi va yana yomg'ir, qor ko'rinishida suvga aylanib yerga tushadi dedi va bu holatni rasm orqali ko'rsatib berdi. Bu qaysi metod?

*A)tasvir B)hikoya C)ma;ruza D)tushunish

16. O'qituvchi dars davomida suv bug'ga aylanib havoga ko'tariladi va yana yomg'ir, qor ko'rinishida suvga aylanib yerga tushadi dedi va bu holatni doskada chizib ko'rsatdi. Bu qaysi metod?

A)tasvir B)hikoya C)ma;ruza *D)tushunish

17. ONA TILI VA ADABIYOT O`QITUVCHISI BOLALARGA OT SO`Z TURKUMI HAQIDA QOIDANI AYTIB BERISHINI SO`RADI BOLA QOIDANI O`Z BILGANLARI ASOSIDA AYTIB BERDI USHBU HOLATDA BLUM TAKSANOMIYASINING QAYSI BOSQIICHIGA TO`G`RI KELADI

*A)bilish B)tushunish C)tahlil qilish D)sintez

BILISH

Dastlabki tafakkur darajasi bo'lib, bunda o'quvchi atamalarni, aniq qoidalar, tushunchalar, faktlar, mezonlar, yo'nalishlar, kategoriyalar, tasniflar, shuningdek, abstract bilimlar: tamoyillar, aksiomalar, teoremlar, umumlashma fikrlar, strukturalar va shu kabilarni biladi, eslaydi, takrorlaydi, asar voqea-hodisalarini bayon qila oladi.

@Nasibabdullayeva



18. FIZIKA FANI O`QITUVCHISI DOSKAGA NYUTON FORMULASINI YOZDI VA O`QUVCHILARGA SHU FORMULA ASOSIDA O`ZLARI MASALALARNI YECHISHLARINI AYTDII

A)bilish *B)qo`llash C)sintez D)baholash

QO'LLASH

Darajasidagi tafakkurda o'quvchi olgan bilimlaridan faqat an'anaviy emas, noan'anaviy holatlarda ham **foydalana oladi** va ularni ma'lum bir model, formula, ko'rsatma asosida **to'g'ri qo'llaydi**.

@Nasibabdullayeva

19. O'QITUVCHI DOSKAGA DARYO VA DENGIZNING RASMINI ILDI VA O'QUVCHILARDAN BULARNING O'XSHASH VA FARQLI TOMONLARINI, BOG'LIQLIKLARNI AYTISHNI SO'RADI. BUNDA BLUM TAKSONOMIYASINING QAYI BOSQICHIGA TO'G'RI KELMOQDA

A) bilish B) tushunish *C) tahlil qilish D) sintez

4. TAHLIL QILISH

Darajasidagi tafakkurda o'quvchi yaxlitning qismlarini va ular o'rtasidagi **o'zaro bog'liqliklarni** ajrata oladi, mantiqiy fikrlash asosida xatolarni ko'radi, **faktlar va oqibatlar orasidagi farqlarni** ajratadi, ma'lumotlarning ahamiyatini baholaydi.

@Nasibabdullayeva

20. BIOLOGIYA O'QITUVCHISI BOLALARGA UY VAZIFA SIFATIDA SHU KUNGACHA OLGAN BILIMLARI BIRLASHTIRIB HAYVONLAR EVOLUTSIYASINING JADVALINI TUZISHNI TOPSHIRDI. BLUM TAKSONOMIYASINING QAYI BOSQICHI

A) bilish B) tushunish C) tahlil qilish *D) sintez

SINTEZ

Umumlashtirish darajasidagi tafakkurda o'quvchi **ijodiy ish bajaradi, biror tajriba o'tkazish rejasini tuzadi**, bir necha sohalardagi bilimlardan foydalanadi. Ayrim materiallar asosida butunning, yaxlitning obrazini, ko'rinishini yaratadi. Bu bosqich tegishli natijalarga **yangi jadval tuzishga undovchi ijodiy xarakterdagi** faoliyatni taqazo etadi.

21. INFORMATIKA DARSIDA O'QITUVCHI EXCEL DASTURIDA BERILGAN JADVALNI MATN HOLIGA KELTIRING DEDI BUNDA BLUM TAKSONOMIYASINING QAYSI BOSQICHI NAMOYON BO'LMOQDA

A) bilish *B) tushunish C) tahlil qilish D) sintez

TUSHUNISH

Darajasidagi tafakkurga ega bo'lganda esa, o'quvchi faktlar, qoidalar, chizmalar, jadvallarni **tushunadi**, qayta tuza oladi, o'zgartira oladi (so'zdan raqamga yoki obrazga), mavjud ma'lumotlar asosida kelgusi oqibatlarni **taxminiy tasvirlay** oladi.

Мактабда низоли вазият юзага келганда, уни хотиржам, реал, бузмасдан қараш муҳимдир. Низоларни ҳал қилишнинг учта стратегияси мавжуд.

1. Арбитраж. Бундай ҳолда, ўқитувчи вазиятни ўрганиш асосида “қарор қабул қиладиган” «ҳакам» ролини ўз зиммасига олади. У ўқувчиларга қандай қилиб ярашиш кераклигини, яъни ким нима қилиши ва келажакда ўзини қандай тутиши кераклигини айтади. Мактабдаги низолар бўлса, ўқитувчи кўпинча ҳакам ролини ўз зиммасига олади.
2. Музокаралар. Ўқитувчи низонинг сабабларини тушунишга ёрдам беради ва ўқувчиларга келишмовчиликни ҳал қилиш йўллари бўйича мустақил равишда қарор қабул қилиш имконини беради.
3. Медиация. Ўқувчилар низони ўзлари қандай ҳал қилишни билмасалар, улар мулоқотга холис ёрдам берадиган, ҳис-туйғулар даражасини пасайтирадиган ва якуний қарорни қабул қиладиган воситачи ёрдамида таъминланиши мумкин. Ўқитувчи воситачи бўлиши қийин, чунки воситачи низода холис ва бефарқ бўлиши керак. Бу вазифани мактаб психологи ёки низога алоқадор бўлмаган бошқа ўқитувчи бажариши мумкин.

NASIBA ABDULLA

сифатларнинг мавқияти қисқача сўзланади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

а) **психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

б) **методик компетентлик** – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга

мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

с) **информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

д) **креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намоёниш эта олиш;

е) **инновацион компетентлик** – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

ф) **коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

г) **Шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

h) **Технологик компетентлик** – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

и) **Экстремал компетентлик** – фавкулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Компьютер va zamonaviy axborot texnologiyalarining jadal sur'atd: rivojlanishi endilikda hozirgi zamon o'qituvchisining pedagogik mahorat naqadar serqirra ekanligini namoyon etmoqda. Hozirgi kunda zamonaviy o'qituvchidan:

- o'quv kurslari dizayneri – o'quv kurslarining yaratuvchisi;
- fasilitator – o'qitish metodlari bo'yicha maslahatchi;
- tyutor – o'quv kurslarini interfaol taqdim etish bo'yicha mutaxassis;
- invigilator – ta'lim natijalarini nazorat qilish usullari bo'yicha mutaxassis bo'lishni talab etmoqda.

Zamonaviy texnologiyalar, masofaviy oliy pedagogik ta'limni yangi cha tashkil qilinishiga zamin yaratadi. Bunday ta'limda o'qituvchilar kompyuter dasturchilari va mutaxassislari yordamida o'qituvchilarning yangicha malaka oshirish kurslarini tashkil etish talab qilinadi. Masofaviy o'qitish kurslarini yaratishda dastlab:

276

татбик этишга тайёрлайди.

Интерфаол методлар. Сўнгги йилларда таълим тизимида интерфаол методлардан кенг ва самарали фойдаланилмоқда. Интерфаол (инглизча “inter” – биргаликда, “act” – ҳаракат қилмоқ) методлари шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда мустақил фикрлаш, шахсий фикрини эркин баён этиш кўникма, малакаларини ривожлантиришга хизмат қилади. “Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортикча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма, малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма, малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув, ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг смарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда⁸⁰.

Интерфаол методлар – таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш, ўқувчилар томонидан билимларнинг самарали ўзлаштирилишини таъминлаш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар

**I.N.SEMYONOV TOMONIDAN ISHLAB CHIQLGAN
REFLEKSIYA TURLARI**

- 1. *Intellektual refleksiya:* Muammolarni fikrlash asosida ijobiy hal qilishni belgilaydi.**
- 2. *Shaxsiy refleksiya:* O'qituvchining nizoli (konfliktlar) pedagogik ziddiyatlardan janjalsiz chiqishni fikran izlanish asosida bartaraf qilishni ta'minlaydi.**
- 3. *Kommunikativ refleksiya:* Muloqot jarayonida sheriklarining o'zaro bir-birlarini tushunib munosabat qilishni ta'minlaydi.**
- 4. *Kooperativ refleksiya:* Jamoa a'zolarining birgalikdagi o'zaro muntazam mehnat faoliyatlarini muvofiqlashtirish bilan bog'liq bo'lgan faoliyat.**

27-chizma.

NASIBA ABDULLA

Pedagogik novatorlik – pedagogik faoliyatda ilg‘or tamoyil yoki g‘oyani asoslash, yangi yo‘l, usul yoki vositalarni tavsiya qilish, ularni amaliyotga tatbiq etishga qaratilgan ijodiy yondashuv.

Pedagogik obro‘ – pedagogning o‘quvchilar, ularning ota-onalari, pedagogik jamoa, shuningdek, jamiyat tomonidan e‘tirof etilgan axloqiy maqomi.

Pedagogik odob – o‘qituvchi oldiga uning o‘ziga, kasbiga, jamiyatga, bolalarga va o‘quv-tarbiya jarayonining boshqa ishtirokchilariga munosabatda bo‘lishiga nisbatan qo‘yiladigan axloqiy talablar tizimi.

Pedagogik relaksiya – (lot. «relaxation» – «zaiflashish», «bo‘shashish») – talabalarning hissiy faoliyati, ruhiy-jismoniy quvvati va ishchanlik qobiliyatini qayta tiklash.

Pedagogik refleksiya (lot. «reflexio» – «ortga qaytish», «aks etish») – pedagogning shaxs ongi mohiyati va vazifalarini, shu jumladan, qadriyatlari, qiziqishlari, rag‘batlantiruvchi omillar, fikrlash, idrok, qarorlar qabul qilish, hissiy ta’sirlanish, xatti-harakatlari va boshqalarning mohiyatini anglab yetishi

Pedagogik fikrlarning rivojlanish bosqichlari – pedagog tomonidan

BAHOLASH

Mazkur kategoriya yuqorida ko‘rsatilgan barcha kategoriyalar bo‘yicha o‘quv natijalariga erishishni va aniq ifodalangan mezonlarga asosan baholash mulohazalarini taqozo etadi. Ichki va tashqi mezonlar asosida baholaydi, o‘quvchi mezonlarni ajrata oladi, ularga rioya qila oladi, mezonlarning xilma-xilligini ko‘radi, xulosalarning mavjud ma‘lumotlarga mosligini baholaydi, faktlar va baholovchi fikrlar orasidagi farqlarni ajratadi.

NASIB

PEDAGOGIK DIAGNOSTIKA FUNKSIYALARI

1. Pedagogik diagnostikaning tahliliy vazifalari.
2. Pedagogik diagnostik funksiyalar
3. Pedagogik diagnostikaning baholash vazifasi.
4. Pedagogik diagnostikaning korreksion vazifasi.
4. Pedagogik diagnostikaning orientatsion vazifasi.

29-chizma.

²³ Kratkii psixologicheskiy slovar. /Red. – sost. I. A. Karpenko; Pod obshch. red. A. V. Petrovskogo, M. G. Yaroshevskogo. -Rostov- na -Don. 1998. -286 b.

Uning *tahliliy vazifasi* o'quv–tarbiyaviy jarayondagi yutuq va kamchiliklarning kelib chiqish sabablari va oqibatlarini, ularning o'zaro bog'lanishlarini aniqlash va chora-tadbirlar ishlab chiqishga qaratilgan.

Aslida *diagnostik funktsiya* o'quvchining ta'lim olganligi, tarbiyalanganligi va rivojlanganligini aniqlash uchun qo'llaniladi, biroq, o'qituvchining ham kasbiy komponentlik darajasini o'rganishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Pedagogik *diagnostikaning baholash vazifasi* ma'muriyat tomonidan olib borilib, alohida o'qituvchi yoki alohida o'quvchi faoliyatida erishgan yutuqlar va kamchiliklar yuzasidan sifat ko'rsatkichlarni miqdor jihatdan baholaydi.

Diagnostikaning korreksion vazifasi o'quv – tarbiyaviy jarayonni o'qituvchining pedagogik faoliyati yuzasidan korreksiyalashni (to'g'ri yo'naltirish) ta'minlaydi va o'qituvchining kasbiy jihatdan o'z – o'zini rivojlantirish va pedagogik mahoratini oshirish uchun sidqidildan kirishishga faolligini ta'minlaydi.

Diagnostikaning yo'nalishni oriyentatsion (aniqlash) vazifasining maqsadi pedagogik jamoa va alohida o'qituvchilar faoliyatida mavjud bo'lgan muammolarni uzluksiz hal etishni muvofiqlashtirib borishdir. Pedagogik diagnostikaning oriyentatsion vazifasi natijalari haqida doimiy xabarlarini informatsion (axborot) vazifa ta'minlaydi.